



XALQ DEPUTATLARI UCHQO'RG'ON TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 23 - dekabr

VI-42-69-6-87-K/21

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

Халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгашига 21-Гулистон сайлов округидан депутат Вахобов Азимжон Абдумуталовичнинг депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш ҳамда бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказиш ҳақида

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3 ва 44-моддаларига асосан Халқ депутатлари Учқўрғонтумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Халқ депутатлари Учқўрғонтумани Кенгашига 21-Гулистон сайлов округидан депутат Вахобов Азимжон Абдумуталовичнинг депутатлик ваколатини зиммасидан соқит қилишни сўраб берган аризасига асосан депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Халқ депутатлари Учқўрғон тумани Кенгашининг 21-Гулистон сайлов округида бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказиш 2022 йил 23 январь якшанба кунига белгилансин.

3. Бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказиш Халқ депутатлари Учқўрғон тумани Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси (К.Тўхтабоев) зиммасига юклатилсин.

4. Туман ҳокимлигининг молия бўлими мудири (Б.Холмирзаев)га сайлов билан боғлиқ ташкилий, техник тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган миқдорда маблағ ажратиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти мудири Х.Юнусов зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



Yunusov X. O.